



Абү Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло акса урганинни яхши кўради, эснаганинни ёқтирмайди. Сизлардан бирортангиз акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмон: «Ярҳамукаллоҳ» дейиши лозим бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Сизлардан бирортангиз эснак келганда имкони борича уни қайтарсин. Чунки сизлардан бирингиз эснаса, шайтон унинг устидан кулади». Бир ривоятда: «Сизлардан бирингиз (эснаб) «А-а-а-ҳҳ» деса шайтон ундан кулади» (Муттафақун алайҳ).

Абү Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Сизлардан бирингиз акса урса: «Алҳамду лиллаҳ» (Аллоҳга ҳамд бўлсин), десин, шунда биродари ёки ҳамроҳи унга: «Ярҳамукаллоҳ» (Сенга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин), десин.



«Ярҳамукааллоҳ» деса у: «Яҳдийкумуллоҳу ва юслиху болакум» (Аллоҳ сизларни ҳидоят қилсин ва ҳолингизни ислоҳ қилсин», деб жавоб қайтарсин» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Мусо розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшиитганман: «Сизлардан бирингиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, унга ташмит (ярҳамукааллоҳ) айтинглар. Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтманглар» (Имом Муслим ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам акса урсалар юзларини қўллари ё кийимлари билан тўсар ва шу билан овозларини пасайтирас эдилар (Имом Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд ривоятлари).

Шарҳ:

Акса уришнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берган одоб ва суннатлари бор бўлиб, мусулмон киши кўп яхшиликларга сабаб бўлувчи ушбу одобларга риоя қилиши лозим.



Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Акса урган киши Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир киши «ярҳамукааллоҳ» деб ташмит айтиши лозим;
2. Аллоҳга ҳамд айтмаса, унга ташмит айтилмайди;
3. Акса уриш Аллоҳга ёқади, чунки у тетиклик ва енгиллик натижасидир;
4. Акса урганда юзни кийим, қўл ёки рўмолча билан тўсиб олиш яхши;
5. Баланд овозда акса уриш макруҳ.